

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 12 » ИЮЛЬ 20 19 у.

№ 575

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат
мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга
солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 мартдаги ПҚ–4241-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари, туман (Қувасой шаҳар) бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 4-6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлашга оид нормалар мазкур Инспекция ташкил этилган санадан бошлаб татбиқ этилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 23 июлдаги 566-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бир ой муддатда:

“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи М.Т. Эсанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 12 ” июлдаги 575 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Инспекция давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш вазифаларини амалга оширади.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Инспекция тизимига қуйидагилар киради:

Инспекциянинг марказий аппарати;

Инспекция қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси;

Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари;

Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари.

5. Инспекция ўз фаолиятини маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларидан мустақил равишда, қуйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга, шунингдек, бевосита Вазирлар Маҳкамасига бўйсунishi ҳамда ҳисобот бериш асосида амалга оширади.

6. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Инспекция ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, хорижий ва халқаро ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

8. Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда жамғарма деб аталади) маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Инспекция ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг жорий таъминоти ва молиялаштириш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли бюджетлари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

9. Инспекция, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар бошқармалари ва Инспекция қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳр ва бланкаларига, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган шахсий газна ҳисобварақларига, банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

10. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;

қисқартирилган номи – “Ўзагроинспекция”.

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Инспекция по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – “Узагроинспекция”.

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Inspection on the control of agro-industrial complex under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – “Uzagroinspection”.

2-боб. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) кишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши;

б) пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларига давлат томонидан буюртма бериш, уруғ тайёрлаш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши;

в) давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши;

г) пахта, бошоқли дон ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши;

д) қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши;

е) қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши;

ё) сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши;

ж) идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши;

з) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати, уларнинг эксплуатация қилиниши самарадорлиги, шунингдек, сервис ва таъмирлаш хизматларининг сифати устидан назоратни амалга ошириш;

и) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ва уларнинг уруғлари ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувини ўтказиш;

й) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

12. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан қуйидаги назоратни амалга оширади;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда соҳани ривожлантиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорларида белгиланган талаблар ва қоидаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан;

қишлоқ хўжалиги экинларини ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб жойлаштирилиши ҳамда экилиши, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, маҳсулот етиштириш бўйича тузилган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши устидан;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча ташкилотларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва импорт қилиш, сақлаш ва сотиш устидан.

Инспекция агросаноат мажмуи соҳасида қонун ҳужжатлари ижросини мунтазам таҳлил қилиб боради, таҳлил натижалари бўйича соҳадаги қонун ҳужжатларини ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

б) пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларига давлат томонидан буюртма бериш, уруғ тайёрлаш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши юзасидан қўйидаги назоратни амалга оширади:

фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ майдонларда экилиши ва ялпи ҳосил етиштирилиши устидан;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш ишларини устидан;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрининг юритилиши устидан;

пахта ва бошоқли дон экинлари уруғлари сифати устидан;

уруғчилик соҳасига жаҳон ютуқларини татбиқ этиш, уруғлар сифатини жаҳон стандартлари асосида аниқлаш ва сертификатлаштириш устидан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган миқдорда районлаштирилган навлар бўйича жойлаштириш ва навли уруғларни тайёрлаш кўрсаткичларини бажарилиши устидан.

Инспекция пахта ва бошоқли дон экинлари уруғлари сифатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларни такомиллаштириш ҳамда уруғлик етиштириш ва унинг сифатини аниқлаш бўйича давлат стандартлари, методикалар ва йўриқномалар ишлаб чиқишда иштирок этади.

в) давлат буюртмасининг режаси амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши соҳасида қўйидаги назоратни амалга оширади:

давлат буюртмаси параметрларига мувофиқ асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш ва уларнинг мақсадли реализация қилиниши устидан;

давлат буюртмасига мос ҳажмларда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирилишини молиялаштириш механизми, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ҳамда хизматлар ва моддий-техник ресурслар билан тўлиқ таъминланиши устидан;

экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, шунингдек, пахта хомашёси, бошоқли дон ҳосили ва ундан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурси ва давлат захираси ҳажмлари ҳамда баланс кўрсаткичлари ҳажмлари бўйича таклифлар шакллантирилганлиги устидан.

г) пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилигини камайтирилиши юзасидан қўйидаги назоратни амалга оширади:

пахта тайёрлаш пунктлари, дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан пахта хомашёси, бошоқли дон экинлари ҳосили ва уларнинг уруғларини давлат ресурсига қабул қилиниши ва қайта ишланиши ва сифатли сақланиши ҳамда реализация қилиниши устидан;

етиштирилган пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари уруғлари учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, давлат ресурси ва давлат захирасига топширилган пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар бўйича ишончли ҳисоботлар юритилиши ҳамда табиий камайиш ҳисобига етказиладиган зарарларни белгиланган тартиб асосида ҳисобдан чиқариш устидан;

пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари уруғлари, улардан қайта ишланган маҳсулотларни қабул қилувчи, сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг техник ҳолати юзасидан;

нобудгарчилик бўйича белгиланган нормаларининг тўғри ва асосли қўлланилиши, пахта тайёрлаш пунктлари ҳамда дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида технологик жараёнларга ва маҳсулотнинг чиқиш нормаларига ҳамда сифатига риоя этилиши юзасидан.

Инспекция давлат ресурсига қабул қилинган пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари уруғлари ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати ёмонлашиши, нобуд бўлиши ҳолатлари ва сабабларини ўрганади, зарур ҳолларда уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар беради ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

бошоқли дон ва ундан қайта ишланган маҳсулотларнинг яқунланган партиялари юзасидан тозалаш далолатномаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Инспекцияга юкланган вазибалар доирасида текшириш қоидаларини, сифат сертификатлари шакллари белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, назорат синовларини ўтказди ҳамда мамлакат ичида ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда фойдаланиладиган жисмоний ва юридик шахслар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланган ҳулосалар беради.

д) қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича қуйидаги назоратни амалга оширади:

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, уруғчилик хўжаликларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш, янги навларни районлаштирилиши ва навдор уруғлар тайёрлаш кўрсаткичлари бажарилиши устидан;

юқори сифатли элита, биринчи ва кейинги авлодли уруғлар етиштирилиши, уруғларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва йўриқномалар талабларига риоя қилган ҳолда тежаб сарфланиши устидан;

уруғлик учун экилган қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларида апробация ўтказиш устидан;

пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш, жумладан, экспорт ва импорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш устидан;

қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш устидан;

қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш, тайёрлаш ва сақлашда кимёвий препаратларнинг самарали қўлланилиши устидан;

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш, уруғларга экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, шунингдек, соҳага ноу-хауларни жорий этиш устидан;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб бориш, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ёрдам берилиши устидан;

аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаштириш ҳамда уруғ ва кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш ишларини мувофиқлаштириш юзасидан;

экин турлари бўйича уруғлар архивининг таркиби ҳамда уруғлар архивини юритиш устидан.

Инспекция уруғликларни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда етиштиришни, сақлашни, реализация қилишни тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди;

мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликлар туркумларининг ташилишини тақиқлайди;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини ишлаб чиқариш ва сифатини аниқлашдаги давлат стандартлари, методикалари ва йўриқномаларини тайёрлашда қатнашади.

е) қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши соҳасида қўйидаги назоратни амалга оширади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фермер, деҳқон хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ажратиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилишининг олдини олишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи суинистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги устидан;

ерлардан катъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларини муомаладан чиқарилишига йўл қўйилмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан ерлардан самарали фойдаланиши, тупроқ унумдорлиги сақланиши ва оширилиши таъминланиши, шунингдек, ушбу мақсадда қабул қилинган дастурларининг бажарилиши устидан;

фойдали қазилмалар конларини кавлаш, қурилиш ва бошқа ер ишларини амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалиги ерларини уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўз ҳисобидан яроқли ҳолатга келтириш бўйича вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши устидан;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тупроқ сифатини аниқлаш (бонитировка) натижаларини, бузилган ерларни рекультивация қилишни, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг тўғри юритилиши ва давлат ер кадастрини юритиш қоидаларига риоя қилиниши устидан;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ва зараркунандаларга қарши қўлланиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларни норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши, сақланиши, реализация қилиниши ва мақсадли қўлланилиши устидан;

ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш устидан;

ердан мақсадсиз фойдаланилиши, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, уларнинг ҳосилдорлиги пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келган бошқа ҳаракатларнинг содир этилиши, шунингдек, таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартиби бузилиши устидан.

Инспекция фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб боровчи органлар билан биргаликда ер муносабатларини тартибга солиш ҳамда ерлардан нооқилона фойдаланилишининг ўз вақтида олдини олишга қаратилган тизимли ишларни мунтазам ташкил этади, тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боради.

ё) сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилиши бўйича қуйидаги назоратни амалга оширади:

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича белгиланган тартибга сув хўжалиги ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан қатъий риоя этилиши устидан;

сув хўжалиги объектларидан сув олиш лимитларини (вегетация ва новегетация даври учун) тасдиқланганлиги, уларга риоя қилиниши ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига амал қилиниши устидан;

сув объектларидан олинадиган ва уларга қўйиладиган дастлабки сув миқдорининг ҳисоби тўғри ва аниқ юритилиши устидан;

худудлар ва иқтисодиёт тармоқларини тасдиқланган сув олиш лимитлари бўйича сув ресурслари билан таъминланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилиши устидан;

ирригация ва мелиорация тизимлари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг самарали ишлатилиши юзасидан;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилар жавобгарлигини кучайтириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиши устидан;

сунъий сув оқимлари (очик ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар ва бошқалар)дан олинадиган сувлардан фойдаланиш устидан;

сув ва сув хўжалиги объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехник ва бошқа ишларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши устидан;

давлат сув кадастрини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилиши устидан;

сув ресурслари ва сув хўжалиги объектларидан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиши устидан;

ирригация объектлари ва гидротехник иншоотлари қуриш ҳамда реконструкция қилишда белгиланган стандартларга риоя этилиши, шунингдек, ажратилган бюджет маблағлари мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан.

ж) идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан қуйидаги назоратни амалга оширади:

наслчилик корхоналари ва хўжаликлари томонидан етказиб бериладиган наслдор ҳайвонлар сифат (насл) кўрсаткичлари тўғри аниқланганлиги юзасидан;

наслдор ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонлар ва улар уруғларини экспорт ва импорт қилиш устидан;

чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги ҳисоботларнинг юритилиши устидан;

мулкчилик шаклидан қатъий назар чорвачиликда наслчилик ишлари билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти устидан;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштирилиши устидан;

наслчилик хўжаликларидаги наслдор чорва ҳайвонлари ҳисоби рўйхатдан ўтказилиши ва селекция жараёнида фойдаланадиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва тури бўйича сифатли баҳоланиши ҳамда улар ишончли рўйхатга олинishi устидан;

чорвачиликда наслчилик билан шуғулланувчи хўжаликларга ер майдонлари ажратилиши ва улардан самарали фойдаланилиши, корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган омухта ем, шелуха, шрот маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари устидан;

насли маҳсулот (материал)ни ишлаб чиқариш ва унинг технологик жараёнлари ташкил этилиши устидан.

з) Инспекция ҳузуридаги “Аграсаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг қуйидаги фаолиятини амалга оширилиши устидан:

идоравий бўйсунуви ва мулк шаклларида қатъи назар тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаси, ўзиюрар машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари сонининг ҳисобини юритилиши, сақланиши ва ҳисобдан чиқариш, давлат рўйхатдан ўтказиш, техник кўрикдан ўтказиш, шунингдек, давлат рақами белгиси, техник паспорт ва техник гувоҳнома бериш;

тракторчи-машинист гувоҳномасини ва огоҳлантириш талонларини бериш учун имтиҳонлар ўтказиш;

машина-трактор паркларини янгилаш бўйича давлат дастурлари ижро этилишини, эксплуатация қилинаётган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасининг модернизация қилинишини ва янги намуналари ишлаб чиқилишини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларини тежовчи замонавий технологиялари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасини, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежовчи замонавий технологияларини синовдан ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши;

машинасозлик ва таъмирлаш корхоналарида қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасини, ускуналарни ва эҳтиёт қисмларни юклашдан олдин уларнинг сифат кўрсаткичлари текширилиши;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаси, ўзиюрар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси давлат синовларидан ўтказилганлиги ва уларнинг эксплуатация қилиниши самарадорлиги устидан назорат қилади.

Инспекция қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиб боради ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

и) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ва уларнинг уруғлари ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш бўйича қуйидаги назоратни амалга оширади;

пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати устидан мажбурий давлат текшируви;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек улардан қайта ишланган маҳсулотларни сифатли сақланиши устидан;

й) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юртиида қуйидагиларни назоратни амалга оширади;

инспекция ваколатига тааллуқли ишлар бўйича текширув ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона фойдаланиш ва уларни кўриклаш, сув ресурслари исрофгарчилиги, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасидан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахсларига ҳамда жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

соҳада қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларга ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, Инспекция ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш;

суддан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини таҳлил қилиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш.

Инспекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

13. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

Инспекцияга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалардан зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни бепул олиш;

Инспекцияга юкланган вазифалар доирасида тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолияти устидан текширувларни мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда ёки текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида текширишларни амалга ошириш;

текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш ёки қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини жалб этиш қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар ҳамда аризалар юзасидан давлат божисиз судга ёки бошқа органга мурожаат этиш;

зарур ҳолларда давлат органлари ва назорат қилувчи органлар ходимларини ҳамда уларнинг воситаларини ўз функцияларини бажариш жараёнида жалб этиш;

Инспекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Инспекция куйидагилар учун жавоб беради:

агросаноат мажмуи, сувдан фойдаланиш ҳолати, ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

пахта ва дон экинлари уруғлари буюртмаси, тайёрланиши, алоҳида қайта ишланиши ва сақланишига қўйилган талабларнинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

юкланган бошқа вазифаларни самарали ижро этиш.

4-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

15. Инспекцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ҳамда лавозимдан озод этиладиган бошлиқ бошқаради.

Инспекция бошлиғи меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирга тенглаштирилади.

16. Инспекция бошлиғи ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Инспекция бошлиғи ўринбосарлари меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

17. Зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун Инспекция бошлиғи:

а) Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

б) Инспекция ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

в) Инспекциянинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бошқармалари ҳамда туманлар (Кувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг ҳисоботларини эшитади;

г) зарур ҳолларда, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штат бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритади;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритади;

е) Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритади (тақдим этади):

Инспекция ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини;

Инспекция ходимларини рағбатлантириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги таклифларни;

ё) белгиланган тартибда Инспекциянинг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг штат жадвалини, Инспекция марказий аппаратининг бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, шунингдек, Жамғарма маблағлари ҳисобига фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида қўшимча жалб этиладиган мутахассислар ва бошқа шахслар сонини белгилайди;

ж) ўз ваколатлари доирасида Инспекциянинг фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир Инспекциянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатма ва фармойишлар беради;

з) ажратилган маблағлар доирасида Инспекция ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа тақдирлаш пуллари тўлаш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

и) Инспекция зиммасига юкланган вазифаларнинг ижроси ҳамда ажратилган маблағларнинг мақсадли ва оқилона ишлатилиши учун шахсан жавоб беради;

й) Инспекциянинг куч ва воситалари самарали тақсимланишини ташкил этади, шу жумладан, муайян функцияларни бажарадиган ходимларни Инспекцияга юкланган бошқа ишларга жалб этади;

к) Инспекция фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича тезкор йиғилишлар ўтказилади;

л) қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Инспекция бошлиғи бўлмаган ҳолларда унинг ваколатларини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти билан келишилган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

19. Қуйидагилар:

Инспекция марказий аппарати барча ходимларни, ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарларини, ҳудудий бошқармаларнинг таркибий бўлинмалари, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқларини, Инспекция қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси директорини ва унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Инспекция бошлиғи томонидан амалга оширилади;

Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарларини Инспекция бошлиғи билан келишган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

Инспекция ҳудудий бўлинмаларининг бошқа ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

5-боб. Инспекция ҳайъати

20. Инспекцияда Инспекция бошлиғи (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, Инспекция фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирадиган таркибий бўлинмалар бошлиқларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Инспекция бошлиғининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

21. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Инспекция фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Инспекция марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли асосда эшитишни ташкил қилиш, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича уларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Инспекция фаолияти соҳасига оид ҳудудий ва тармоқ дастурларини амалга ошириш самарадорлигини ҳар чорақда ва тизимли равишда кўриб чиқиш;

ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, жойларда Инспекция фаолияти соҳасига тааллуқли долзарб масалалар муҳокама этилишини таъминлаш;

Инспекция марказий аппаратининг лавозимлар номенклатураси ва унинг тизимини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

Инспекция номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда топшириқлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Инспекция марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий масъулиятини ошириш.

Ҳайъат Инспекция ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

22. Ҳайъат мажлисларида Инспекция ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳам таклиф этилиши мумкин.

23. Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

24. Ҳайъат қарорлари Инспекция бошлиғининг буйруқлари билан амалга оширилади.

25. Инспекция бошлиғи ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Инспекция бошлиғи юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Шунингдек, ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

26. Ҳайъат фаолиятининг тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

6-боб. Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичлари

27. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.

28. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган самарадорлик ва натижадорлик мезонлари ҳамда кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

29. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Инспекция раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки тегишли интизомий жавобгарликка тортиш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Инспекция фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

30. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

7-боб. Инспекциянинг ҳисобдорлиги

31. Инспекция бошлиғи ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам ҳисобот беради.

32. Вазирлар Маҳкамаси Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг уларга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, Инспекция фаолиятининг самарадорлигини баҳолайди.

33. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Инспекциянинг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл кўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарлик чоралари кўрилади.

8-боб. Яқунловчи қондалар

34. Инспекция кўрсатмалари, йўл-йўриқлари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларини бажармаслик, шунингдек, Инспекция фаолиятига аралашиш ҳамда юклатилган вазифалар ва функцияларнинг қонуний ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида Инспекция ходимларига ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва бу қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

35. Инспекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 12 ” июлдаги 575 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини
ривожлантириш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида очилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва ушбу Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

3. Жамғарма маблағларининг шакллантирилиш ва сарфланиши ҳисоби миллий валютада амалга оширилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан кўрсатилган хизматлардан тушган тушумларининг 30 фоизи;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун Инспекциянинг ваколати доирасида қўлланиладиган умумий жарима санкцияларининг 40 фоизи;

Инспекция ходимлари томонидан солинадиган жарималар миқдорларининг 50 фоизи;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзгариш машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўрикдан ўтказиш, давлат рақам белгилари, техник паспортлар ва гувоҳномалар бериш учун ундириладиган йиғимлар миқдорининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинчалик бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозитга қўйишдан олинган фоиз тарзидаги даромадлар;

ҳомийлик хайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғарманинг вақтинчалик бўш турган маблағлари Инспекция томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига жойлаштирилиши мумкин.

6. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари кейинги йилга ўтади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

7. Жамғарма маблағлари куйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Инспекциянинг вазифаларини самарали амалга ошириш;

Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш;

Инспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

маъмурий бинолар, спорт иншоотлари ва бошқа инфратузилма объектларида қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини инобатга олган ҳолда) амалга оширишга, уларнинг моддий ҳолатини яхшилаш, шу жумладан зарур замонавий ускуналар, мебель, инвентарлар билан жиҳозлаш, кузатув, назорат ва идентификация тизимлари, воситалари ва қурилмалари билан таъминлаш ва бошқа товар-моддий қимматликлар харид қилишга;

ахборот-коммуникация, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, техникалари воситалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш, маълумотлар базасини шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига давлат рақам белгилари, техник паспортлар ва гувоҳномалар беришга;

Инспекция ходимларига уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш бўйича кредитларнинг дастлабки бадалини киритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фоизсиз қарз бериш;

Инспекция раҳбар ва ходимларини хорижий бошқарув идоралари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларга тажриба ўрганиш ва ҳамкорлик ўрнатиш мақсадларида хорижий хизмат сафарига юбориш;

Инспекцияда ташкил этиладиган эксперт-таҳлил гуруҳларига ҳақ тўлаш;

қонунчиликда тақиқланмаган Инспекция фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар.

8. Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатлар ушбу харажатларни асословчи тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан мурожаат этувчи жавобгардир.

9. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш унинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади,

Инспекция томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

10. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига йил давомида белгиланган тартибда Инспекция томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

4-боб. Жамғармани бошқариш

11. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш учун жамғармани бошқариш кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) ташкил этилади.

Кенгаш иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва кенгаш ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида шакллантирилади.

Кенгаш, қоидага кўра, кенгаш раиси, раиснинг ўринбосари, котиб ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгаш 7-9 нафар Инспекция раҳбарияти ва масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади. Кенгашнинг шахсий таркиби, қоидага кўра, бир йилда бир марта Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Инспекция бошлиғи лавозимига кўра кенгаш раиси ҳисобланади.

12. Кенгаш аъзоларининг вазифалари куйидагилардан иборат:

кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

Инспекция фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича кенгашга таклифлар киритиш;

кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз бериш;

кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашадилар. Бундай қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда кенгаш аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

13. Кенгаш раиси:

кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

кенгаш аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади;

Жамғарма Кенгаши томонидан белгиланган лимитлар доирасида дастурлар бўйича харажатлар сметаларини тасдиқлаш ва тузатиш, шунингдек Жамғарманинг захира маблағларидан фойдаланиш Инспекция бошлиғи зиммасига юклатилади.

14. Кенгаш котиби:

кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади:

кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби лойиҳасидан хабардор қилади;

кенгаш қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кенгаш котиби кенгаш аъзоси ҳисобланади.

15. Кенгаш ўз мажлисларини заруриятга кўра, бироқ ҳар чорақда камида бир марта ўтказади.

16. Кенгаш мажлисини кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса - кенгаш раисининг ўринбосари бошқаради.

17. Кенгаш мажлиси унда кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ўтказилган ҳисобланади.

18. Мажлисни ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

19. Кенгаш қарори кенгашнинг мажлисида қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини, шунингдек кенгаш маблағларидан фойдаланилишини тасдиқлаш масалалари бўйича қарор кенгашнинг мажлисида қатнашган аъзолари учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ҳамда Инспекция бошлиғи буйруғи асосида амалга оширилади.

20. Қуйидагилар кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳисобот йили якуни бўйича жамғарма маблағларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш.

21. Инспекциянинг Ишлар бошқармаси жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

22. Ишчи орган қуйидаги функцияларни амалга оширади:

жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади;

даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди, шунингдек уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатларини умумлаштиради ва кенгашга кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлайди;

жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ҳамда асосий харажатлар йўналишлари бўйича ҳисобини юритади;

ҳар чорак якуни бўйича жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда кенгашга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

23. Жамғарма маблағларини тўплаш ва сарфлаш операцияларига техник хизмат кўрсатиш бўйича амалий ишлар Инспекциянинг Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бу мақсадларда мустақил ташкилотлар тузилмайди.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш

24. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Инспекциянинг бюджетдан ташқари бошқа маблағларидан алоҳида юритилади.

25. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот кенгаш томонидан кўриб чиқилади ҳамда ҳар йили Инспекция хайъати йиғилишида 15 мартгача тасдиқланади.

6-боб. Якунловчи қондалар

26. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат
мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ходимларини моддий
рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Инспекция ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қуйидагилардан иборат:

а) лавозим маоши;

б) қуйидаги миқдордаги ойлик устамалар:

лавозим маошининг 40 фоизи миқдорида устама (меҳнатни рағбатлантириш коэффиценти);

Инспекция ходимларига – узоқ муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига 10 фоиздан 60 фоизгача миқдорда устама.

Инспекциянинг марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффиценти 1,5 бараварга оширган ҳолда инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўлланилади;

ҳудудий бўлинмалар ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффиценти 1,2 бараварга оширган ҳолда инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўлланилади.

в) қуйидагиларни ўз ичига оладиган рағбатлантирувчи ва бошқа тўловлар:

ўз вазифаларини виждонан, шунингдек алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимларни йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш;

йилда бир марта ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш;

моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан шахсий устамалар;

кўп йиллик ҳамда бекаму кўст хизмати (меҳнати) учун юбилей саналари ва пенсияга чиқиши муносабати билан ходим лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда) 3 баравари миқдоригача мукофотлаш;

байрам саналар муносабати билан ходим лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 1 баравари миқдоригача мукофотлаш;

овқатланиш харажатларини қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдордаги ойлик тўловлар;

йўлкира харажатларини қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдордаги ойлик тўловлар (хизмат автотранспорт воситаси бириктирилган ходимлар бундан мустасно);

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун йилда бир мартаба энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида моддий ёрдам;

хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган ходимларга лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизи миқдоригача ҳар ойлик устамалар қўллаш;

Инспекция бошлиғи ва унинг ходимларига кўп йиллик хизматлари ва мартаба даражалари учун белгиланган миқдорларда қўшимча ҳақлар сақланиб қолинади;

Инспекциядаги ходимларига Инспекциядаги иш вақти навбатдаги махсус унвон бериш учун иш стажига киритилади ҳамда улар бўйича, шу жумладан кўп йиллик хизматлар учун устамалар ва мартаба даражалари учун қўшимчалар миқдорлари адлия органлари ходимлари учун белгиланган миқдорларга тенглаштирилади. Бунда ходимнинг умумий иш стажи инобатга олинади.

Инспекцияда иш фаолияти даврида махсус унвонлар бериш олдинги иш жойи бўйича назарда тутилган тартибда тегишли махсус унвонлар бериш учун зарур бўлган муддатлар ўтгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг ёки Инспекция бошлиғининг тавсияномаси асосида амалга оширилади.

г) ходимнинг асосланган аризасига асосан юқори турувчи тузилма раҳбарининг розилиги билан қуйидаги ҳолларда қўшимча тарзда ходим лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 3 баравари миқдоригача моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда - ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхасига асосан;

алоҳида эҳтиёж туғилганда (бахтсиз ҳодиса, тўй ва бошқа маросимлар муносабати билан, узоқ муддатли касаллик сабабли махсус даволаниш ва соғлиқни қайта тиклаш учун, шунингдек, оиладаги оғир моддий аҳвол сабабли ва бошқа ҳолатлар).

3. Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

мукофотлаш;

лавозим маошига шахсий устамалар тўлаш;

моддий ёрдам кўрсатиш.

Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2-боб. Лавозим маошларига ойлик шахсий устамалар тўлаш тартиби

4. Лавозим маошларига ойлик шахсий устамалар:

Инспекция бошлиғига – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Инспекция бошлиғи ўринбосарлари, марказий аппарат ходимлари ва ҳудудий бошқармалар бошлиқларига – Инспекция бошлиғи томонидан;

Инспекция ҳудудий тузилмалари ходимларига – Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан белгиланади.

5. Иш сифати ёмонлашганда, топшириқлар ўз вақтида бажарилмаганда, меҳнат ва ижро интизоми бузилганда лавозим маошига белгиланган устамалар бекор қилиниши ёки камайтирилиши мумкин.

3-боб. Моддий ёрдам кўрсатиш тартиби

6. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантиришда йил ҳисобига ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш учун маблағлар назарда тутилади.

7. Ходим вафот этганда, моддий ёрдам (агар ходим вафот этган йилда бевосита унга моддий ёрдам кўрсатилмаган бўлса) унинг турмуш ўртоғига, турмуш ўртоғи йўқлигида - у билан бирга яшовчи вояга етган фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлар ва ҳомийларга) ёхуд вояга етмаган болаларини (болалиқдан ногиронларни - ёшидан қатъи назар) фарзандликка олганларга, шунингдек, агар ходимлар никоҳда турмаган ва фарзандлари бўлмаган ҳолларда, ходимнинг қарамоғидаги шахсларга ёки ота-оналарига тенг улушда тўлаб берилади.

8. Ходимнинг асосланган аризасига асосан юқори турувчи тузилма раҳбарининг розилиги билан ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ажратилган маблағлар доирасида, қуйидаги ҳолларда қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда – ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхасига асосан;

алоҳида эҳтиёж туғилганда (бахтсиз ходиса, тўй ва бошқа маросимлар муносабати билан, узоқ муддат касаллик сабабли махсус даволаниш ва соғлиқни қайта тиклаш учун, шунингдек, оиладаги оғир моддий аҳвол сабабли ва бошқа ҳолатлар).

9. Ходимлар харажатларини қоплаш, моддий ёрдам миқдори ва унинг тўланиши ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилганлигига боғлиқ бўлмайди.

4-боб. Инспекция ходимларининг иш ҳақи ва уларни моддий рағбатлантириш бўйича тадбирларни молиялаштириш манбалари ва миқдорлари

10. Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича тадбирлар:

харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг белгиланган тартибда шакллантириладиган маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

11. Инспекция ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштириладиган қуйидаги маблағлар назарда тутилади:

ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган разрядларга мувофиқ лавозим маоши;

40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш коэффиценти;

Инспекция ходимларига – узоқ муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига 10 фоиздан 60 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устама;

йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот;

йилда ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

иш ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди;

даражали унвон учун лавозим маошига 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда устама.

12. Инспекция ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда уларни моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Инспекциянинг ривожлантириш жамғармаси ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

**5-боб. Инспекция ходимларининг узоқ муддат
узлуксиз хизмати учун устама ҳақ тўлаш миқдори**

13. Инспекция ходимларининг узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақ тўлаш миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

Меҳнат стажи	Фоиз миқдорида (рағбатлантириш коэффиценти ҳисобга олинган ҳолда)
2 йилдан 5 йилгача	10 фоиз
5 йилдан 10 йилгача	20 фоиз
10 йилдан 15 йилгача	30 фоиз
15 йилдан 20 йилгача	40 фоиз
20 йилдан 25 йилгача	50 фоиз
25 йилдан ортиқ	60 фоиз

Узоқ муддат узлуксиз хизмати учун тўланадиган устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Инспекция раҳбари томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

14. Инспекция ходимларига бошқа тўловлар Инспекциянинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 12 ” ИЮЛ даги 575 -сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати
ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимларнинг номланиши	Разрядлар
Инспекция бошлиғи	18
Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари	17
Инспекция бошлиғининг ўринбосари	16
Бошқарма бошлиғи *	15
Бўлим бошлиғи *	13
Инспекция бошлиғи ёрдамчиси	12
Бош инспектор, бош мутахассис	11
Катта инспектор, етакчи мутахассис	10
I-тоифали мутахассис	9

**) Инспекциянинг бошқарма ва бўлим бошлиғи ўринбосарига Инспекциянинг бошқарма ва бўлим бошлиғи ставкасидан 5 % кам миқдорда.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 12 ” ИЮЛ даги 575 -сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат
мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон
Республикаси ва вилоятлар бошқармалари ходимларининг Ягона
тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимларнинг номланиши	Вилоятлар гуруҳлари бўйича разрядлар		
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Бошқарма бошлиғи *	14	13	12
Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи	12	11	10
Бош инспектор, бош мутахассис	10	9	8
Катта инспектор, етакчи мутахассис	9	8	7
Инспектор, I-тоифали мутахассис	8	7	6

**) Инспекция ҳудудий бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосарига Инспекция ҳудудий бошқармаси бошлиғи ставкасидан 3% кам миқдорда, Инспекция ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосарига Инспекция ҳудудий бошқармаси бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.*

1-гуруҳ

Қорақалпоғистон
Республикаси,
Андижон вилояти,
Қашқадарё вилояти,
Самарқанд вилояти,
Тошкент вилояти,
Фарғона вилояти

2-гуруҳ

Бухоро вилояти,
Навоий вилояти,
Наманган вилояти,
Сурхондарё вилояти,
Хоразм вилояти

3-гуруҳ

Жиззах вилояти,
Сирдарё вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат
мажмун устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими ходимларининг
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номланиши	Разрядлар	
	1-гурух	2-гурух
Бўлим бошлиғи*	13	12
Бош инспектор	9	8
Катта инспектор	8	7
Инспектор, мутахассис	7	6

*) Инспекциянинг туман (Қувасой шаҳар) бўлим бошлиғи ўринбосарига туман (Қувасой шаҳар) бўлими бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.

Т/р	Худудлар	Туманлар (Қувасой шаҳар)	
		1-гурух	2-гурух
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Қўнғирот тумани Хўжайли тумани Беруний тумани Тўрткўл тумани Чимбой тумани Элликқалъа тумани Амударё тумани	Шуманай тумани Қонликўл тумани Кегейли тумани Мўйнок тумани Қораўзак тумани Тахтакўпир тумани Нукус тумани Тахиатош тумани
2.	Андижон вилояти	Қўрғонтепа тумани Шаҳрихон тумани Андижон тумани Жалакудук тумани Избоскан тумани Марҳамат тумани	Асака тумани Балиқчи тумани Бўз тумани Булоқбоши тумани Пахтаобод тумани Олтинкўл тумани Хўжаобод тумани Улуғнор тумани
3.	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани Ромитан тумани Қоракўл тумани Шофиркон тумани	Жондор тумани Пешку тумани Олот тумани Бухоро тумани Вобкент тумани Когон тумани Қоровулбозор тумани

Т/р	Худудлар	Туманлар (Қувасой шаҳар)	
		1-гурух	2-гурух
4.	Жиззах вилояти	Зомин тумани Дўстлик тумани Ғаллаорол тумани Фориш тумани	Бахмал тумани Ш.Рашидов тумани Пахтакор тумани Мирзачўл тумани Арнасой тумани Зарбдор тумани Зафаробод тумани Янгиобод тумани
5.	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз тумани Нишон тумани Муборак тумани Миришкор тумани Чирокчи тумани Ғузор тумани Яккабоғ тумани Косон тумани Қамаши тумани	Қарши тумани Китоб тумани Дехқонобод тумани Касби тумани
6.	Навоий вилояти	Учқудук тумани Қизилтепа тумани Хатирчи тумани Кармана тумани	Конимех тумани Навбахор тумани Нурота тумани Томди тумани
7.	Наманган вилояти	Косонсой тумани Норин тумани Учқўрғон тумани Чуст тумани Поп тумани Тўрақўрғон тумани	Чортоқ тумани Мингбулоқ тумани Наманган тумани Уйчи тумани Янгиқўрғон тумани
8.	Самарқанд вилояти	Ургут тумани Нарпай тумани Жомбой тумани Самарқанд тумани Иштихон тумани Пайарик тумани Пастдарғом тумани Каттақўрғон тумани	Булунғур тумани Нуробод тумани Пахтачи тумани Оқдарё тумани Қўшработ тумани Тойлоқ тумани
9.	Сирдарё вилояти	Сирдарё тумани Боёвут тумани Сайхунобод тумани Ховос тумани	Сардоба тумани Оқолтин тумани Гулистон тумани Мирзаобод тумани
10.	Сурхондарё вилояти	Денов тумани Шўрчи тумани Шеробод тумани Жарқўрғон тумани Сариосиё тумани Музработ тумани	Қумқўрғон тумани Узун тумани Ангор тумани Бойсун тумани Қизирик тумани Олтинсой тумани Термиз тумани

Т/р	Худудлар	Туманлар (Қувасой шаҳар)	
		1-гурух	2-гурух
11.	Тошкент вилояти	Бўстонлик тумани Қибрай тумани Зангиота тумани Ўргачирчиқ тумани Янгийўл тумани	Охангарон тумани Оккўрғон тумани Бекобод тумани Бўка тумани Куйичирчиқ тумани Паркент тумани Пискент тумани Чиноз тумани Юқоричирчиқ тумани Тошкент тумани
12.	Фарғона вилояти	Қува тумани Боғдод тумани Бешариқ тумани Ўзбекистон тумани Тошлоқ тумани Учкўприк тумани	Қувасой шаҳри Бувайда тумани Дангара тумани Олтиариқ тумани Кўштепа тумани Риштон тумани Фарғона тумани Ёзёвон тумани Сўх тумани Фурқат тумани
13.	Хоразм вилояти	Ҳазорасп тумани Хива тумани Хонка тумани Боғот тумани Шовот тумани	Урганч тумани Кўшкўпир тумани Гурлан тумани Янгиариқ тумани Янгибозор тумани
Жами:		74	86

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 12 ” июлдаги 575 - сон қарорига
7-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) 3-банди учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” ва “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига” сўзлари тегишлича “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 17-модда):

а) 7-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга илованинг 21-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 69-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

5-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Марказнинг ҳудудий лабораториясига” сўзлари “Марказнинг пахта маҳсулотлари ҳудудий синов лабораториясига” сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг иккинчи хатбошидаги “Инспекция вакили” сўзлари “Марказ ходими” сўзлари билан алмаштирилсин;

35-бандда:

биринчи хатбошидаги “вакили” сўзи “ходими” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Марказнинг ҳудудий филиал лабораторияси вакили” сўзлари “Марказнинг пахта маҳсулотлари ҳудудий синов лабораторияси ходими” сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Инспекция вакилига” сўзлари “Марказга” сўзлари билан алмаштирилсин;

46-банддаги “Инспекция вакили” сўзлари “Марказ ходими” сўзлари билан алмаштирилсин;

47-банддаги “Инспекция вакили” сўзлари “Марказ ходими” сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банддаги “Инспекция” сўзи “Марказ” сўзи билан алмаштирилсин;

Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низомга 1-шаклидаги “Инспекциянинг вакили” сўзлари “Марказнинг” сўзи билан, “Инспекция вакили” сўзлари “Марказ” сўзи билан тегишлича алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2008 й., 35-36-сон, 349-модда):

а) 4-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида” 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илованинг 29-позициясининг “Масъуллар” устунидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-илованинг 37-позициясидаги:

“Вазирликлар ва идораларнинг номи” устунидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

“Шакллантириш манбаи” устуни биринчи хатбошидаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

“Шакллантириш манбаи” устуни иккинчи хатбошидаги “Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасидаги қонун ҳужжатлари” сўзлари “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2013 й., 12-сон, 155-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 48-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 58-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 61-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг маҳаллий бўлинмалари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 63-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 66-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

ё) 67-бандда:

учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 апрелдаги 80-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Суғурта уруғлик фондиди ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11 ва 28-бандлардаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

“Масъуллар” устуни “Ўза ва бошоқли дон экинлари учун” бўлими “5-босқич” позициясидаги, “Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари учун” бўлими “4-босқич” позициясидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳудудий лабораторияси мудир” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳудудий лабораторияси ходими” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳудудий лабораторияси мудир” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳудудий лабораторияси ходими” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 37-сон, 469-модда) билан тасдиқланган Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг “л” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

“Масъуллар” устунидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” блоки “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” блоки билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 29 декабрдаги 369-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 52-сон, 643-модда):

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарорининг рус тилидаги матнида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 12-сон, 111-модда):

а) 4-бандидаги “Инспекцию по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан” сўзлари “Инспекцию по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

22-банддаги “Инспекция по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан” сўзлари “Инспекция по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 мартдаги 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 14-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг рус тилидаги матнининг 48-бандидаги “Государственная хлебная инспекция при Кабинете Министров Республики Узбекистан” сўзлари “Инспекция по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимос нома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 71-банд қўшилсин:

а) “71. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси”.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 394-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомнинг 6-банди еттинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичма-босқич ўтказиш ҳамда уларда газ баллони асбоб-ускуналарини хавфсиз ишлатишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 11 октябрдаги 815-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 14-банддаги “Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре” сўзлари “Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом безопасности при Кабинете Министров” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловадаги “Начальник управления по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан” сўзлари “Заместитель начальника Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров при Кабинете Министров” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг ““Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 12 февралдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 31-модда):

а) 6-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 14-бандида:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ўзпахтасаноат” АЖ сўзларидан кейин “пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари” билан тўлдирилсин;

в) 2-иловада:

4-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Биржа савдоларида харидорларга сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш схемасининг 2-босқичи “Тадбирлар” устунидаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

г) 3-иловада:

1-бандда:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“пахта-тўқимачилик кластерлари” сўзлари “пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандининг бешинчи хатбошисида:

“Минтақавий” сўзи “Худудий” сўзи билан алмаштирилсин;

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

I-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Приложение №1
к Положению о порядке сертификации
и взвешивания хлопкового волокна

_____ региональная лаборатория ГУП «Центр по оказанию
услуг в агропромышленном комплексе»

АКТ
отбора проб хлопкового волокна № _____

Место проведения отбора _____ " _____ " _____ 20 _____ г.

Наименование
изготовителя _____
(код хлопкоочистительного предприятия)

В соответствии с _____ О`z DSt 614"Волокно хлопковое. Методы
требованиями отбора проб"
(обозначение НД на методы отбора проб)

Партия _____ Сорт х/с _____ Класс х/с _____
х/с N _____

Код селекционного сорта _____ Количество кип сформированного объема _____

х/в _____

Номер штрих-кода: _____ Сквозные номера кип: _____
от _____ до _____ от _____ до _____
от _____ до _____ от _____ до _____
от _____ до _____ от _____ до _____

Количество отобранных проб _____ Масса отобранных проб, кг _____

Номера кип с нарушениями упаковки, маркировки и т.д.

Ф.И.О _____
Сотрудник ГУП «Центр по оказанию услуг
в агропромышленном комплексе»

Подпись

Ф.И.О _____
Пробоотборщик ГУП «Центр по оказанию
услуг в агропромышленном комплексе»

Подпись

3-илованинг рус тилидаги матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Приложение №3
к Положению о порядке сертификации
и взвешивания хлопкового волокна

_____ региональная лаборатория ГУП «Центр по оказанию
услуг в агропромышленном комплексе»

АКТ
испытания по определению массового отношения
влажности хлопкового волокна

Место проведения _____ " " 20 ____ г.
отбора _____

Наименование изготовителя _____
(код хлопкоочистительного предприятия)

В соответствии с требованиями О`з DSt 634"Волокно хлопковое.
Методы определения
массового отношения влаги"

Партия х/с _____

Селекционный сорт х/с _____

Партия х/с _____

Средние показатели массового отношения влажности хлопкового волокна, % _____

Ф.И.О _____
Представитель хлопкоочистительного
предприятия

Подпись

Ф.И.О _____
Сотрудник ГУП «Центр по оказанию
услуг в агропромышленном комплексе»

Подпись”

6-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Приложение №6
к Положению о порядке сертификации
и взвешивания хлопкового волокна

"УТВЕРЖДАЮ"

Начальник _____
региональной лаборатории

№ UZ.AMT.07.MA1.475 _____
(код лаборатории)

(адрес)

(подпись) М.П. _____
(Ф.И.О.)

**ПРОТОКОЛ ИСПЫТАНИЙ № _____
хлопкового волокна**

г. _____ " ____ " _____ 20__ г.

Наименование поставщика _____ Урожай 20__ г.
(код хлопкоочистительного завода)

Акт отбора проб N _____ от " ____ " _____ 20__ г.

НД на готовую продукцию: O'z DSt 604 "Волокно хлопковое. Технические условия"

Результаты испытаний:

№ партии	Кол-во кип в скomp. объёме (шт.)	Масса нетто (кг)	Код селекции	Тип	Сорт/класс	Штапельная длина в кодах	Микро-нейр	Удельная разрывная нагрузка, gf/tex	Индекс равномерности по длине, %	Массовое отношение влаги, %	Примечание
				1а, 1б, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7							
26	222	49988	52	5	1/урта	32/43	3,5/4,9	<23,0/33,0<	<77,0/86,0<	<5,0/8,5<	
						35	4,4	28,3	81,8	6,5	

Старший технологический оператор _____
(подпись) М.П. _____ (Ф.И.О.)

Специалист по классификации хлопкового волокна (классер) _____
(подпись) М.П. _____ (Ф.И.О.)

7-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Приложение №7
к Положению о порядке сертификации
и взвешивания хлопкового волокна

Форма приложения к сертификату

ПРИЛОЖЕНИЕ
к сертификату соответствия № _____

Номер государственного реестра
№ UZ. SMT. 01. 065- _____

г. _____

от " ____ " _____ 20__ г.

Наименование продукции: хлопковое волокно

Хл.предпри ятие	№ пар тии	Часть парти и, (Ч/П)	Кол- во кип, (шт.)	Масса брутто партии (кг)	Масса нетто партии (кг)	Результаты контроля качества								
						Тип	Сор т	Клас с	Штапель ная длина, код	Микрон ейр	Удельная разрывная нагрузка, gf/tex	Индекс равномерно сти по длине, %	Массовое отношени е влаги,	Приме- чание
Всего:														

Специалист по сертификации хлопковой
продукции

(подпись)

М.П

(Ф.И.О.)”

8-илованинг рус тилидаги матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Приложение №8
к Положению о порядке сертификации
и взвешивания хлопкового волокна

Форма извещения о несоответствии хлопкового волокна требованиям O`z DSt 604

_____ (наименование региональной лаборатории ГУП «Центр по оказанию услуг в агропромышленном комплексе»)

**ИЗВЕЩЕНИЕ № _____
о несоответствии хлопкового волокна требованиям
O`z DSt 604 “Волокно хлопковое. Технические условия”**

от “___” _____ 20__ г.

Мы, нижеподписавшиеся сотрудники региональной лаборатории, извещаем Вас о том, что при рассмотрении проб хлопкового волокна, отобранных на хлопкоочистительном предприятии

_____,
(наименование и код хлопкоочистительного предприятия)

по партии № _____ признали их несоответствующими O`z DSt 604 по следующим показателям:

Начальник
региональной лаборатории

(подпись)

М.П.

(Ф.И.О.)

Специалист по классификации
хлопкового волокна (классер)

(подпись)

М.П.

(Ф.И.О.)”

9-илованинг рус тилидаги матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Приложение №9
к Положению о порядке сертификации
и взвешивания хлопкового волокна

“УТВЕРЖДАЮ”

Начальник _____
региональной лаборатории

№ UZ.AMT.07.MA1.475 _____
(код лаборатории)

(адрес)

(подпись) М.П (Ф.И.О.)

г. _____

“ ” _____ 20__ г.

**АКТ ИНСПЕКЦИИ № _____
хлопкового волокна**

Заказчик _____

Настоящий акт удостоверяет, что хлопковое волокно
хлопкоочистительного предприятия _____ Урожай 20__ г.
(наименование и код)

партия № _____ число кип _____ масса нетто _____
сорт _____ класс _____ штапельная длина _____ микронейр _____ удельная разрывная
нагрузка, gf/tex _____ индекс равномерности по длине, % _____,

имеет следующие характеристики волокна (не отвечающие требованиям O`z DSt 604):

Специалист по классификации
качества хлопкового волокна

(подпись) М.П (Ф.И.О.)

Специалист по классификации
хлопкового волокна (классер)

(подпись) М.П (Ф.И.О.)”

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга 8-илованинг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга (баённомаларни тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар” устунӣ 280-позицияси номланишидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 октябрдаги 873-сон қарори билан тасдиқланган Прокуратура органлари ходимларига имтиёзли шартларда кредитга уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун дастлабки бадални киритиш мақсадида Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойсиз қарз бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддан “Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади)” сўзлари чиқариб ташлансин.

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“иш берувчи - Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, Департамент ҳамда Бюронинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бошқармалари”;

учинчи хатбошидан “Инспекция” сўзи чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” 2018 йил 30 сентябрдаги 775-сон қарори 4-банди биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (У.Я.Халилов)” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (М.Т.Эсанов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон қарори:

а) 10-банднинг олтинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Р.Н.Раҳматов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (М.Т.Эсанов), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар прокурорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари - ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг агротехник

карталардан келиб чиқиб, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида етказиб берилиши ҳамда хизматлар сифатли кўрсатилиши, бу борада тузилган шартномалар мажбуриятларининг тўлиқ бажарилиши, моддий-техника ресурслари талон-торож қилиниши ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан уларнинг нархи асоссиз равишда оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилиши бўйича шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин”.

б) 17-иловада:

“Вазирлик ва идоралардан” устуни 9, 28-бандларидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Худуд ва туманлардан” устуни 9, 28-бандларидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекцияси ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция ҳудудий бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 18-иловада:

“вазирликлар ва идоралардан” устуни 14, 29-бандларидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция” сўзлари билан алмаштирилсин;

“вилоятлар ва туманлардан” устуни 14, 29-бандларидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекцияси ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция ҳудудий бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

г) 19-иловада:

“вазирликлар ва идоралардан” устуни 14, 29-бандларидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция” сўзлари билан алмаштирилсин;

“вилоятлар ва туманлардан” устуни 14, 29-бандларидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекцияси ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция ҳудудий бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

д) 20-иловада:

Тошкент вилояти ишчи гуруҳи таркибининг 1-бандидаги “С.Рўзиев - Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари” сўзлари “М.Расулов - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин;

Республика ишчи гуруҳи (Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари) катта ишчи гуруҳ раҳбари “У.Халилов - Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи” сўзлари “М.Эсанов - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

Жиззах вилояти ишчи гуруҳи таркибининг 1-бандидаги “Б.Холматов - Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари” сўзлари “У.Джавлиев - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин;

Сирдарё вилояти ишчи гуруҳи таркибининг 1-бандидаги “Б.Вахобов - Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари” сўзлари “И.Хамраев - Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” 2018 йил 22 декабрдаги 1037-сон қарорида:

а) 11-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 12-илованинг:

“Вазирлик ва идоралардан” устуни 2-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Худуд ва туманлардан” устуни 2-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 13-илованинг:

“Вазирлик ва идоралардан” устуни 4-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Худуд ва туманлардан” устуни 4-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Худуд ва туманлардан” устуни 40-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция худудий бошқармалари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция вилоят бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Вазирлик ва идоралардан” устуни 52-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекция” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Худуд ва туманлардан” устуни 52-бандидаги “Бош прокуратура ҳузуридаги инспекциянинг худудий бошқармалари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инспекция вилоят бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги 14-сон қарорида:

а) 1-илова (II. Республика ишчи гуруҳи) Сирдарё вилояти 1-банди “Б.Вахобов – Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари” деган сўзлар “И.Хамраев – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-илова 16-банди “Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” деган сўзлар “лавозим бўйича – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 3-илова 17-банди “Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” деган сўзлар “лавозим бўйича – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган Пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом:

а) 2-илованинг “Лавозими” устуни 2-бандидаги “Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи” сўзлари “Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси бошлиғи” сўзлари билан алмаштирилсин.

